

САРИКЎЛ Конидаги носкармли (апометатерриген) вольфрам маъданлашувини ўрганилиш тарихи ва ривожланиши

Тураев Шохрухбек Бахтиёр угли
Тошкент давлат техника университети
магистр 1 – курс

Ризаева Асила Акмал қизи
Тошкент давлат техника университети
талаба 3 – курс

**Илмий раҳбар: Жўраев Меҳрож
Нуриллаевич**
геол.-мин, фанлари фалсафа доктори
(PhD), доцент
Тошкент давлат техника университети

Ўзбекистонда вольфрам минерал хомашё базасининг ривожланиш тарихи ўз ичига учта босқични олади [2]. I босқич (1935-1960 йй.) – минерал хомашё базасининг ташкил топиши: вольфрам маъданли конларнинг очилиши, разведкаси ва ўзлаштирилиши – Лангар, Қўйтош, Ингичка (Н.Д.Ушаков, Н.В.Нечелюстов, М.Д.Троянов ва б.), майда намоёнлардан артел (изловчи) усулида фойдаланиш – Қоратепа, Сазаган, Барқроқ ва б. Бу даврга биринчи металлогеник умумлаштириш ҳам киради (Х.М.Абдуллаев, А.В.Королев, И.Х.Хамрабаев ва б.).

II босқич (1960-1975 йй.) вольфрам маъданлари захираларининг ўсиши камайиши, бу конъюнктура сабаблари ҳамда ер юзасида саноатбоп маъданлашувнинг анъанавий морфогенетик турлари тугаши билан тавсифланади. Бир қатор ишлар якунида (Т.М.Мацокина, М.С.Кучукова, В.Д.Отрощенко, В.Н.Ушаков, И.Х.Хамрабаев, Н.К.Джамалетдинов, М.И.Исмаилов ва б.) скармли вольфрам маъданлашувининг жойлашиш қонуниятлари (апогранитоидларнинг кенг ривожланиши) умумлаштирилган.

III босқичда (охирги 35-40 йил) излашнинг стратегик йўналиши ўзгарди (яхши очилмаган ва берк маъданлар учун янги районлар, шу жумладан янги морфогенетик турлар), бунда асосий эътибор йирик масшабли башорат қилиш тадқиқотларига (Р.В.Цой, Ю.А.Чернявский, В.Н.Ушаков, Б.Б.Шааков, В.Л.Шадрин ва б.), Қизилқум регионидан разведка қилинган ва янги конларнинг очилишига (Саритау, Саутбой) ҳамда илгари маълум объектлар четларидаги захираларнинг ўсишига (Ингичка, Яхтон) қаратилди.

Қоратепа маъданли майдонида вольфрам маъданлашувини аниқлаш бўйича ишлар ўтган асрнинг қирқинчи йилларидан бери олиб

бариләтганилигига қарамай асосий эътибор скарн – шеелитли маъданлашувга, башоратлаш-излаш комплексининг асосий элементи сифатида эса карбонатли ва гранитоид жинслари контактининг мавжудлигига қаратилар, метатерриген жинслари қатламлари ички қисмлари башоратлаш майдонлари контуридан ташқарида қолиб кетар эди.

Сўнги йилларда Қоратепа маъданли майдонида скарн бўлмаган вольфрам маъданлашувли объектлар аниқланди, Бу объектларда вольфрам олистостромли қалин қатламлар матриксининг алюмосиликатли жинсларида шаклланган.

Қоратепа тоғлари магматитлари гранитоидлар серияси жинсларининг кетма-кет дифференцияланган қаторидан иборат бўлиб, уларда вольфрам микдорининг илк фазалардан кечки фазаларга қараб кўпайиши тренди аниқланган. Сарикўл ва унга чегарадош Қоратепа интрузиви учун магматизм намоён бўлиши 4 та фазага дифференциалланган бўлиб, улар – диоритли, гранодиоритли, гранитли ва аляскитли сериялардир. Диорит формация жинслари порфирсимон биотитли гранодиоритларнинг ўпирилиш зоналарида ёки уларнинг томирли фацияларида аниқланади. Гранитоидли сериялар жинслари кўпчилик массивларнинг чекка қисмларини эгаллайди. Гранитли серия жинслари ҳам Қоратепа ва Сарикўл интрузивларининг жуда катта қисмини эгаллайди [3]. Аляскит ва лейкократли гранит формациялар массивнинг чекка қисмларида намоён бўлган.

Сарикўл интрузиви ўрта ва донадор кучсиз порфирсимон икки слюдали гранитлардан иборат бўлиб [1], Қоратепа-Зирабулоқ адамеллит-гранитли мажмуанинг кечки тошкўмир-илк пермь кетменчи субмажмусига ($\gamma\text{C}_3\text{-P}_1\text{k}$) мансуб. Район геологик тузилишининг ўзига хослиги, минераллашган зоналарнинг олистостромли комплекс жинсларидан иборат, уринма структурали фрагментига боғлиқлигидир [3].

Ўрганилаётган майдонда бирламчи маъдан қамровчи жинсларнинг хусусиятлари, уларнинг дағал флиш шаклланиш шароитлари билан боғлиқ равишда тавсифланишидир. Булар олистостромли комплекс фацияси, чўкинди тўпланиш хавзасида бузилиш-силжиш жараёнлари жадал намоён бўлган шароитда шаклланади, у, нелитификацияланган чўкинди жадал аралашшига ва пелитли, алевритли ҳамда псаммитли заррачалар аралашмасида карбонатли моддалар нотекис тарқалган жинсларнинг шаклланишига олиб келади.

Апометатерриген вольфрам маъданлашуви дағал флиш жинслари бўйича шаклланган, у гранитоидли интрузивнинг контакт зонасида сланецли

жинсларга ўзгариб, геохимёвий жиҳатдан вольфрамга ихтисослашган ва улар бўйлаб маъданли метасоматитлар ҳосил бўлган.

Регионал-контактли динамометаморфизм жараёнлари натижасида бирламчи чўкинди жинслар слюдали ва амфиболли сланецларга айланади.

Сарикўл конида таркибида вольфрам бўлган жинсларнинг алоҳида гуруҳини метасоматик ўзгарган оҳактошлар ташкил қилади, улар нисбатан паст даражада мармарлашганда жинслари массасида тарқалган кўмирсимон-графитли модда ва алюмосиликатли аралашма ҳосил бўлади.

Маъданли жараён карбонат ангидридли ўзига хосликка эга (кальцийнинг келтирилиши уч маротабадан ортиқ), фосфорнинг тўпланиши ва оз миқдорда темирнинг келтирилиши билан кечади. Метасоматитларнинг маъдан олди шаклланиш босқичида маъдан атрофи маконидан натрий, магний ва алюминийнинг чиқиб кетиши кузатилади.

Метасоматитлар учун қуйидагилар хос: маъдан олди маконига муҳим аҳамиятли келтирилиши (қавс ичида тўпланиш коэффицентлари) – W (1970,7); Bi (120,5) ва Cd (37,8); сезиларли келтирилиш – Te (12,3); Be (10,7); Zn (6,2); Cu (5,5); Sn (4,6); мўътадил келтирилиш – Au (3,0); Mn (3,0); Ag (2,5); маъдан олди маконидан чиқарилиши – Pb, Li, Zr (0,6); Ti (0,65); Sb, Ba, Co (0,7); Cr (0,75) ва ўзини бетараф тутиши Mo, As, Se, Nb, V, Ni, B.

Апометатерриген вольфрам маъданлашуви учун маъданли минераллашув хусусиятлари: минераллашган зоналарда темир сульфидларининг кўплиги, шеелитнинг турли минерал парагенезисларда пайдо бўлиши, маъданларда оз миқдорда ва микроаралашма кўринишида учровчи иккита ассоциациядаги гуруҳ минералларининг борлигидир.

Таркибида асосий ва ягона вольфрам бўлган, апометатерриген вольфрам маъданлашувининг амалий аҳамиятини белгиловчи минерал – бу шеелитдир. Шеелит ягона аралашмалар, нотекис хол-холликлар ва майда уячасимон турли минераллар (плагиоклазлар; альбит ва актинолитлар; пирит, марказит ва мельноковитлар; кварц ва карбонатлар) агрегатлари билан ассоциацияда шаклланади. Шеелит Mo (0,18 %) ва Cu (0,01 %) билан бойиган.

Хулоса.

- Эзоконтакт зонасида апометатерриген W маъданлашуви ривожланган Сарикўл интрузиви район магматик фаолиятининг кечки фаза икки слюдали ва лейкократли гранит жинсларидан ташкил топган.

- Апометатерриген W маъданлашуви учун қамровчи муҳит бўлиб, метамофик жараёнлар таъсирида ўзгарган олистостромли қатламнинг кумтош-аргилитли комплекси матрикси чўкиндилари хизмат қилади, улар маъдан

қамровчи муҳитнинг бирламчи ғоваклигини таъминловчи юқори гранулометриқ дисперсияси билан тавсифланади ва маъданли метасоматитлар шаклланиши учун мос субстрат вазифасини ўтайди.

- W, кучсиз намоён бўлган, бироқ, ахамияти юқори бўлган Pb, Ag, Au, Be ва Mn лар билан корреляцион алоқаси бор, бу шеелитли минераллушув шаклланишининг автоном бўлгани ва кейинроқ минераллашган зоналарда турли босқич маҳсулотларининг бирга қўшилиши билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хамрабаев И.Х. Важнейшие аспекты современных проблем петрогенезисаи рудогенезиса. Т. «Геология и минеральные ресурсы». - 2000. - № 2. С. 3-11.
2. Рудные месторождения Узбекистана / Под ред. Голованова И.М. – Ташкент: ГИДРОИНГЕО, 2001. – 660 с.
3. Эволюция магматизма Средней Азии / Под ред. И.Х. Хамрабаева, А.К.Симона. - М.: Наука, 1986. –276 с.

